

Хужжат рус тилида қабул қилинган.

**“ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг
2015 йил 11 майдаги 72-сонли
қарори билан тасдиқланган**

“ЎзРТХБ” АЖ савдо майдончалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Низом

Ушбу “ЎзРТХБ” АЖ савдо майдончалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 майдаги “Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 251-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2016 йил 2 августдаги “Электрон ярмаркалар, аукцион ва танловлар ташкилотчиларнинг-ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги №249 сонли қарори асосида ишлаб чиқилган ва “ЎзРТХБ” АЖ (кейинги ўринларда Биржа деб аталади) савдо майдончалари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини тўхтатиш, тугатиш ва мониторинг қилиш тартибини белгилайди,

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

электрон савдо тизими (ЭСТ) – Биржа савдолари, кўргазма ярмарка савдолари, электрон каталог, давлат ва корпоратив харидлари бўйича электрон савдолари тизими;

савдо майдончаси регистратори – Биржада белгиланган тартибда тест синовларидан ўтган ва Биржада савдолари ўтказиш натижалари бўйича битимларни (контрактларни) рўйхатга олиш (расмийлаштириш), функцияларини амалга оширувчи жисмоний шахс;

савдолар – Биржа томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган, биржа электрон савдолари, кўргазма-ярмарка савдолари, давлат ва корпоратив харидларини ташкил қилиш учун бошланғич баҳони пасайиши бўйича электрон аукцион савдолар (кейинги ўринларда электрон харид деб аталади);

савдо иштирокчилари – биржа савдоларида - биржа аъзолари, кўргазма-ярмарка ва электрон харидларда – бевосита мижозлар ва уларнинг агентлари.

2. Биржа савдо майдончаларининг фаолият юритиши учун методологик раҳбарликни амалга оширади ва унинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

II. Савдо майдончаси

3. Савдо майдончаси – бу савдо иштирокчиларини ЭСТга кириши ва шартномаларни (контрактларни) рўйхатга олиши (расмийлаштириши)ни таъминлаш учун рухсат берилган жойдир. Савдо майдончаси акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ таркибий қисми сифатида ёки ва юридик шахс ва Биржа филиали билан шартнома тузиш йўли билан ташкил этилади. **Биржа хориж**

юримдик шахслар билан шартнома тузиш йўли билан хорижий мамлакатларда савдо майдончасини ташкиллаштириши мумкин.

4. Савдо майдончаларининг асосий вазифаси савдо иштирокчиларининг ЭСТга кириши ва битимларни (контрактларни) рўйхатга олиш (расмийлаштириш)ни таъминлаш учун рухсат берилишига кўмаклашишдан иборатдир.

5. Савдо майдончалари савдо иштирокчиларини ЭСТга кириши ва биржа, кўргазма-ярмарка савдоларида тузилган шартномаларни (контрактларни) рўйхатга олиши (расмийлаштириши)ни таъминлайди.

6. Савдо майдончалари, махсус тармоқ савдо майдончаси сифатида ҳам очилиши мумкин.

Махсус тармоқ савдо майдончаси алоҳида тармоқ ёки маълум корхоналарнинг эҳтиёжлари учун ташкил этилади ва савдо иштирокчиларини ЭСТга кириши ва биржа, кўргазма-ярмарка, ва электрон харидларда тузилган шартномаларни (контрактларни) рўйхатга олиши (расмийлаштириши)ни таъминлайди.

Махсус тармоқ савдо майдончаси ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини сотиш, маҳсулотлар таннархини пасайтириш, тармоқ ҳамжамиятларни бир савдо доирасига бирлаштириш, яъни савдо иштирокчиларининг танлаган тармоқ ёки корхона доирасида ҳаракат қилишлари учун қулай шароитлар яратиш учун хизмат қилади.

7. Махсус тармоқ савдо майдончалари сони чегараланмайди.

8. Турли минтақаларда савдо майдончаларни очиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Биржа Бошқаруви томонидан уларни очишга оид шароит ва талаблар бўйича алоҳида қарор қабул қилиниши мумкин.

9. Турли минтақаларда савдо майдончалари очиш, уларнинг сони ва тоифалари Биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади ва бу ҳақдаги маълумотлар Биржанинг махсус ахборот порталида жойлаштирилади. Шундан келиб чиқиб, савдо майдончаси очиш истагида бўлган юримдик шахслар биржа филиалига зарур хужжатларни топширадилар ва ушбу Низомга мувофиқ Биржа билан шартнома тузадилар.

10. Биржа томонидан ўтказиладиган савдо натижалари бўйича тузилган битимларни (контрактларни) рўйхатга олиш (расмийлаштириш) фақатгина савдо майдончасининг регистратори томонидан амалга оширилади. Регистраторнинг тоифаси савдо майдончасининг тоифасига мувофиқ бўлиши керак. Махсус тармоқ савдо майдончаларида битимларни (контрактларни) рўйхатга олиш (расмийлаштириш) 1- тоифали регистратор томонидан амалга оширилади.

11. Юримдик шахс савдо майдончаси очиш учун Биржа филиалига қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

савдо майдончасининг турини кўрсатган ҳолда 1-сонли иловага мувофиқ ариза;

савдо майдончасининг моддий-техник жиҳатдан Биржа талабларига мувофиқлиги тўғрисида 2-сонли иловага мувофиқ маълумот;

юримдик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома

нусхаси; регистраторни ишга қабул қилинганлиги тўғрисида юридик шахс томонидан

тасдиқланган буйруқ нусхаси.

Шу билан бирга мазкур ҳужжатлар бир вақтнинг ўзида электрон шаклда ҳам тақдим этилади ва мажбурий тарзда биржанинг марказий аппаратининг ваколатли ходимига йўналтирилади. Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун юридик шахснинг раҳбари жавобгар бўлади. Тақдим этилган ҳужжатлар мажмуаси (пакети) доимий равишда филиалда сақланади ва унинг сақланиши учун филиал раҳбари жавоб беради.

12. Савдо майдончаси очиш учун белгиланган тартибда тақдим этилган ҳужжатлар мажмуаси (пакети)нинг ушбу Низом талабларига мувофиқлиги филиалнинг масъул ходими томонидан ушбу ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 5 иш куни ичида ўрганилади.

13. Биржа юридик шахс билан бирга қуйидаги ҳолларда савдо майдончасини очмайди:

тегишли тартибда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганда, шунингдек юридик шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига жавоб бермаслиги; ушбу туманда (шаҳарда) шундай савдо шаҳобчасининг мавжудлиги, Биржа Бошқарувининг қарори мавжуд ҳоллар бундан мустасно.

14. Барча ҳужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган ҳолларда Биржа юридик шахс билан шартнома тузади, шундан сўнг савдо майдончаси очилган ҳисобланади. Биржа филиалининг масъул ходими савдо майдончасига автоматик тарзда индивидуал идентификация рақам берган ҳолда савдо майдончаси тўғрисидаги тегишли маълумотларни савдо майдончалари реестрига киритади.

15. Савдо майдончаси (Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ташқарида жойлашган савдо майдончалари бундан мустасно) очилганда компьютер техникаси техника ҳисоби Регламентига мувофиқ ҳисобга қўйиш жарёнидан ўтади.

16. Савдо майдончасини Биржанинг ЭСТга улаш Марказий банк каналига йўл (линия) ажратилгандан кейин амалга оширилади. Ушбу хизмат бўйича ҳақ миқдори Кузатов кенгашининг алоҳида қарори билан белгиланади. Хорижий мамлакатларда жойлашган савдо майдончалари Биржанинг ЭСТга улаш VPN каналлари йўли билан Интернет орқали амалга оширилади.

17. Савдо майдончалари томонидан битимларни (контрактларни) рўйхатга олиш (расмийлаштириш) фақатгина тузилган битимлар асосидагина амалга оширилади. Биржа битимларини расмийлаштириш тартиби ЎзРТХБда биржа савдолари Қоидалари билан белгиланади. Электрон харидлар, шунингдек кўргазмаярмарка савдолари бўйича контрактларни рўйхатга олиш тартиби Биржанинг локал ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Савдо майдончалари ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари, ушбу Низом, шартнома ва Биржанинг бошқа локал ҳужжатлари риоя қиладилар.

III Шартнома тузиш

19. Шартнома Биржа ҳамда юридик шахс ўртасида тузилади. Бунда асосий мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва савдо қатнашчиларига қулай шароит яратиш бўлади.

20. Шартнома унинг томонларига нисбатан қуйидаги мажбурий шартлар ва талабларни ўз ичига олиши шарт:

томонларнинг номи ва юридик манзили; томонлар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар (Устав, Низом ва ҳ.к.) шартнома предмети, баҳоси ва шартонома муддати;

томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

Шартнома шунингдек қонун ҳужжатларига назарда тутилган ва томонларнинг келишуви билан бошқа шартлар ва талабларни ўз ичига олиши мумкин.

IV Савдо майдончаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

21. Савдо майдончаси:

Биржадан биржа, кўргазма-ярмарка савдолари ва электрон харидларни тартибга солувчи норматив - ҳуқуқий ҳужжатларни олиш;

Савдо майдончалари фаолияти масалалари юзасидан ўтказиладиган маслаҳатлашувлар, презентациялар, семинарларда иштирок этиш;

Савдо майдончаларни очиш тартиби ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан Биржага таклифлар киритиш; юридик шахслар бўйича маълумотлар, имзо ва муҳр намуналарини кўриш режимида Биржанинг ЭСТга кириш ҳуқуқига эга.

Савдо майдончалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Савдо майдончаси:

савдо иштирокчиларига, шу жумладан пуллик асосида, савдо майдончалари биноларида ўрнатилган компьютерлари орқали савдога кириш ҳуқуқини беришга;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаблари, ушбу Низом ва Биржанинг бошқа локал ҳужжатларига, биржа, кўргазма – ярмарка савдолари, электрон харид қоидаларига шунингдек шартнома доирасида зиммасига олган мажбуриятларга риоя қилишга;

сотувчи брокерлар дан етказиб берилган товарлар бўйича ҳисоб-фактура ва/ёки юк хатларини (накладная) қабул қилиш ва етказиб бериш ҳужжатлар реестрини (кейинги ўринларда – ЕБХР деб юритилади) Биржанинг Ҳисоб-китоб-клиринг палатасига (кейинги ўринларда ҲККП деб юритилади) етказишга;

ҳар ойнинг бешинчи санасига қадар ЕБХР юзасидан барча ҳисоб-фактура ва/ёки юк хатларини (накладная) тақдим этиш биржа филиалининг ҲККП бўйича масъул шахсига етказишга;

биржанинг ҲККПдан олинган “тўланган битимлар реестри” ни (кейинги ўринларда ТБР юритилади) брокерлар-сотувчиларга тарқатишга; ТБР савдо майдончасининг регистратори томонидан имзоланган ва савдо майдончасининг

овал муҳри билан тасдиқлаган бўлиши шарт, иккинчи нусхаси ҳар бир сотувчи-корхона бўйича юритиладиган алоҳида жилдда сақланиши шарт;

ҳар ҳафтада ХҚКПга тақдим этиладиган барча ҳужжатлар ва хатларни худудида савдо майдончаси жойлашган ХҚКП филиалининг масъул ходимига топширишга; юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлардаги имзолар ва муҳр намуналарини Биржанинг ЭСТги мавжуд ҳужжатларга мувофиқлигини синчковлик билан текширишга; шартномага асосан Биржа томонидан қабул қилинган логотип ва Биржанинг бошқа фирма услублари элементларидан фойдаланишга; савдо иштирокчиларининг Биржанинг ЭСТга киришини техник тўхталишларсиз таъминлашга; штат жадвалида ушбу Низом талабларига жавоб берадиган регистратор штатига эга бўлишга;

биржа томонидан ўрнатилган тартибда ўз фаолияти юзасидан ҳисоботлар тақдим этишга;

савдо иштирокчилари (уларнинг миқдорлари)нинг ариза ва мурожаатларини рўйхатга олиш, улар бўйича алоҳида ҳисобот юритиш;

биржа филиали, зарур ҳолларда Биржанинг Марказий аппарати билан ҳар кунлик алоқада бўлиб туришга, шу жумладан корпоратив чатда мажбурий тарзда иштирок этиш йўли билан;

компьютер техникаларини ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича техника ҳисоби Регламенти талабларига риоя этишга;

биржа томонидан рухсат берилмаган дастурларни ўрнатилишини олдини олиш мақсадида савдо майдончасидаги компьютер техникаси стикерларини сақланиши ва ҳисоб техникаларини эксплуатация қилиниши бўйича назоратни амалга оширишга;

брокерлик идораларининг фаолияти тугатилганлиги ёки компьютерларнинг бузилганлиги муносабати билан брокерларнинг компьютерларини ҳисобдан чиқариш ҳақида Биржанинг ЭСТга хизмат кўрсатувчи таркибий тузилмаларини ўз вақтида ёзма равишда хабардор қилишга; савдо турларига қараб битимларни (контрактларни) рўйхатга олиш ҳисобини алоҳида – алоҳида юритишга.

журналлар муҳрланган, варақлари эса рақамланган бўлиши шарт. Электрон харидлар тизимида регистраторнинг махсус (персонал) логини орқали шартномаларни такрорланадиган (дублирующая) онлайн рўйхатга олиш амалга оширилади. Савдо майдончаси худудига Биржа томонидан рўйхатга олинмаган компьютер ва бошқа ҳисоб техникаларини мавжуд бўлишига йўл қўймасликка; регистраторнинг яшаш жойи ёки паспорт маълумотлари ўзгарганлиги ҳақида бундай ўзгаришлар бўлган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда Биржани хабардор қилишга мажбур;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тақдим этиладиган алоқа каналига ўз вақтида Биржанинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган тариф асосида Биржа ҳисобига пул тўлаш (Вилоят марказилари ва Тошкент шаҳрида жойлашган савдо майдончалар учун);

Мижозларни аккредитациядан ўтказиш модулига рухсат берилган ҳолда савдо майдончаси бир ҳафтада камида бир маротаба филиал ХККП ходимиغا ҳужжатларни асл нусхаларини тақдим этиши шарт.

23. Биржа битимларини рўйхатга олишда савдо майдончаси шунингдек, ўз мижозларининг топшириғига асосан биржа битимларини амалга ошираётган биржа аъзолари мижозларининг биржа товарини сотиб олиш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларга (ҳужжатларнинг аслини ёки нусхасини талаб қилиб олмасдан) эга эканлигига (қонун ҳужжатларида биржа товарини сотиб олишга алоҳида тоифадаги сотиб олувчилар учун чекловлар назарда тутилган бўлса) амин бўлиши шарт. Ушбу ҳатбошида кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигига амин бўлишнинг имконияти бўлмаса (масалан, биржа аъзоси тегишли ҳужжатларни кўрсатишни рад этса ёки бош тортса), савдо майдончаси бу ҳақда зудлик билан Биржани хабардор қилиши шарт.

24. Савдо майдончаси қонун ҳужжатларида, биржа билан тузиладиган шартномаларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Савдо майдончаси томонидан ушбу Низом ва шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича жавобгарлик юридик шахснинг раҳбари ва савдо майдончаси регистратори зиммасига юклатилади.

26. Йўл қўйилган ножўя ҳатти ҳаракатлар учун савдо майдончасининг фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш бўйича қўлланиладиган жазо чоралари ушбу Низомнинг V бўлимда кўрсатилади.

27. Савдо майдончалари улар ҳудуд бўйича жойлашган Биржанинг ҳудудий филиаллари олдида ҳисобдордирлар.

28. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган савдо майдончалари Бошқарув (кейинги ўринларда Ваколатли бўлиб деб аталади) томонидан белгиланган Биржанинг тегишли таркибий тузилмалари олдида ҳисобдордирлар.

V Савдо майдончалари фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш

29. Биржа Бошқаруви томонидан савдо майдончаси фаолиятини тугатиш ҳақидаги қарор Биржа таркибий тузилмалари раҳбарларининг билдиришномаси асосида қабул қилинади.

30. Савдо майдончаси фаолиятини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:
юридик шахснинг ихтиёрий равишда берган аризаси;
қонун ҳужжатлари, ушбу Низом ва шартнома талаблари ва шартларининг бузилиши;

савдо майдончасининг олти ой мобайнида фаол бўлмаганлиги (битимлар (контрактлар) тузилмаганлиги);
суднинг қарори.

31. Савдо майдончасининг фаолияти ушбу Низомнинг 31-бандида назарда тутилган ножўя ҳатти-ҳаракат учун тугатилган бўлса, икки йил мобайнида қайта очилишига йўл қўйилмайди.

32. Савдо майдончасининг фаолияти Биржа Бошқаруви томонидан савдо майдончаси фаолиятини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган пайтдан тугатилади.

Савдо майдончаси фаолиятининг тугатилганлиги ва унинг штампининг ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги маълумот Биржанинг махсус ахборот парталида жойлаштирилади.

33. Савдо майдончаси фаолияти тугатилгандан сўнг Биржанинг ЭСТга хизмат кўрсатувчи таркибий тузилмаси савдо майдончасининг ЭСТга кириш ҳуқуқини ўчириб қўяди. Филиалнинг масъул ходими савдо майдончасини жойлашган жойга чиқиб, унинг аҳволи ва стикерлар ҳисобини чиқариш ҳақида далолатнома тузади.

34. Агар савдо майдончаси регистраторининг фаолияти тугатилган, ёки у билан тузилган шартнома бекор қилинган бўлса, савдо майдончасининг фаолияти вақтинчалик тўхтатилади. Савдо майдончасининг фаолияти, юридик шахс томонидан тегишли малака тестини топширган, маълумотлари савдо майдончаларининг ваколатли регистраторлари реестрига киритилган регистратор ишга қабул қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси юборилгандан сўнг қайта тикланади.

Бошқа ҳолларда савдо майдонча фаолияти вақтинча тўхтатилмайди, мазкур Низомнинг 40-бандида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари. Алоқа канали учун тўланган тўлов тўлиқ ой учун қабул қабул қилинади.

35. Юридик шахснинг номи, унинг туман масштабида маъмурий жойлашуви (дислокация) ўзгарган ҳолларда, юридик шахс бундай ўзгаришлар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб бир ҳафта ичида Биржа филиалига қайта расмийлаштириш учун ўзгаришлар тасдиқланган тегишли ҳужжатларни Биржа филиалига тақдим этиши шарт.

Ушбу маълумот Биржанинг махсус ахборот парталида жойлаштирилади.

36. Қайта расмийлаштирилгунга қадар савдо майдончаси дастлаб тузилган шартнома асосида фаолият юритади.

37. Юридик шахснинг 35-бандда назарда тутилган ўзгартиришлар ҳақида ўз муддатида хабар бермаслиги, савдо майдончаси фаолиятини тугатиш учун асос бўлади. Ушбу бандда назарда тутилган ҳоллардан ташқари қайта расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

38. Савдо майдончасининг регистратори алмашган ҳолларда юридик шахс Биржа филиалига тегишли хабарни юборади. Регистратор ишдан бўшатирилган пайтдан бошлаб ва янги ишга қабул қилинган регистраторнинг маълумотлари савдо майдончаларининг ваколатли регистраторлари реестрига киритилгунга қадар, савдо майдончаси битимларни (контрактларни) рўйхатга ололмайди (расмийлаштира олмайди).

39. Савдо майдончасининг ҳужжатлари қайта расмийлаштирилганда, филиал ваколатли бўлим билан биргаликда қайта расмийлаштириш учун ариза тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичида савдо майдончалар реестрига тегишли ўзгартиришларни киритади.

40. Савдо майдончаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг линия канали учун тулов муддатларига риоя этилмаган ҳолларда, жорий ойнинг биринчи иш кунинда бухгалтерия масъул ходими электрон савдоларда катнашишдан registrator.uzex.uz электрон модули орқали ўчириш сабабларини

кўрсатган ҳолда ўчиради. Ахборот технологиялар булими бир иш кунида савдо майдончасини биржа савдоларига катнашишдан тизимдан учиради.

Жорий ойнинг 10 - санасига қадар тўлов утказилган такдирда, бухгалтерия маъсул ходими савдо майдончасини registrator.uzex.uz модули ердамида савдо майдонча электрон савдоларга бўлган рухсатини ёқади. Ахборот технологиялар булими 1 иш куни мобайнида савдо майдончасини Биржа савдоларида катнашиш учун тизимга улайди.

Агарда жорий ойнинг 10-санасигача тўлов тўланмаса, биржа Марказий аппарат маъсул ходими, 3 иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаштириш маркази бошқармасига савдо майдончалар рўйхатини кўрсатган ҳолда хат билан алоқа линия каналини ўчириш туғрисида муурожаат юборади.

Савдо майдонча жорий ойнинг 10-санасидан кейин тўловни амалга оширганда, бухгалтерия маъсул ходими бир иш куни мобайнида савдо майдончага registrator.uzex.uz модули орқали тизимга улайди, шу билан бирга биржа Марказий аппарат маъсул ходими жорий ойнинг охирига санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаштириш марказига савдо майдончаларини алоқа линия каналига кейинги ойдан бошлаб улаш туғрисида хат юборади.

VI Савдо майдончаси регистратори

41. Малака тестини муваффақиятли топширган талабгорларга регистратор мақомини тақдим этилади. Уларга биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларида тузилган битимларни (котрактларни) рўйхатга олиш(расмийлаштириш) ҳуқуқини берилади

42. Савдо майдончаси регистраторлигига талабгор ўрта махсус, профессионал ёки олий маълумотга эга бўлиши шарт.

43. Савдо майдончаси регистратори Биржанинг ЭСТда тузилган битимларни ушбу Низомнинг 3-сонли иловасида белгиланган талаб қўйилган намунада тайёрланган штамп (кейинги ўринларда штамп деб аталади) билан тасдиқлаган ҳолда (котрактларни) рўйхатга олиш (расмийлаштириш) ҳуқуқига эга. Штампдан фақатгина савдо майдончасининг регистратори фойдаланади, уни учинчи шахсларга бериш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бериш тақиқланади. Штампдан белгиланган тарзда фойдаланиш ва унинг сақланишини таъминлаш учун регистратор жавобгар бўлади.

44. Регистратор:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, ушбу Низом ва Биржанинг ички (локал) ҳужжатларига риоя қилишга;

савдо майдончаси регистратори сифатида ўзининг функционал мажбуриятларини бажаришга; савдо майдончаси регистратори сифатида фақатгина битта савдо майдончасида фаолият кўрсатишга;

савдо майдончаси фаолияти бўйича ҳисоботларни тайёрлашга;

яшаш жойи ва паспорт маълумотларига ўзгартириш киритилган тақдирда, бундай ўзгартиришлар ҳақида биржани ўзгаришлар бўлган пайтдан бошлаб бир ҳафта ичида биржани хабардор қилишга;

регистратор мақомини олган йилнинг кейинги йилидан бошлаб ҳар йили Биржа бошқаруви томонидан тасдиқланган программа асосида малака ошириш курсларида ўз малакасини оширишга мажбур.

45. Савдо майдончасининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари регистратор тимсолида амалга оширилишини ҳисобга олиб, у ўз мажбуриятларини қонун ҳужжатлари, шартнома, биржанинг ички (локал) ҳужжатлари ва ўзининг мансаб йўриқномаларига мувофиқ амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

VII Савдо майдончаси регистратори мақомини олиш учун талабгорларни тест синовларидан ўтказиш тартиби.

46. Савдо майдончаси регистратори мақомини бериш талабгорларни компьютер тест синовларидан ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

47. Тест синовларидан ўтиш учун талабгор тест синовлари ўтказилиши белгиланган кундан 3 кун олдин Биржага қуйидаги ҳужжатларни топширилиши шарт:

эркин шаклдаги ариза;

ўрта махсус, профессионал ёки олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжат; паспорт нусхаси;

2 дона расм (3x4);

Ушбу ҳужжатлар бир вақтнинг ўзида электрон шаклда ҳам берилди. Ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун талабгор жавоб беради. Топшириладиган ҳужжатлар жилди (пакент) филиалда сақланади ва унинг сақланиши учун филиал раҳбари жавоб беради.

48. Ҳужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлса, филиалнинг масъул ходими талабгорга оид тегишли маълумотларни, шу жумладан электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар жилдини Биржанинг махсус инфор­мацион порталига киритади.

49. Тест синовлари Биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланган жадвал асосида Биржанинг ҳудудий филиалларида ўтказилади. Талабгорни тест синовларидан ўтказиш, Биржанинг махсус инфор­мацион порталидаги тест болқларида амалга оширилади. Талабгор паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда тест синовларига қўйилади. Ўзида паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати бўлмаган ёхуд тест синовларига кечикиб келган талабгор тест синовларига келмаган ҳисобланади ва кейинги ўтказиладиган тест синовларида қатнашадиган талабгорлар рўйхатига киритилади. Тест синовларини топшириш жараёнида белгиланган вақт доирасида улгурмаган талабгор тест синовларидан ўтмаган ҳисобланади.

50. Тест синовлари вақтида талабгорларга қуйидагилар тақиқланади:

Қонун ҳужжатлари, бошқа қўлланмалар, луғатлар ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

мобил ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш; бошқа талабгорлар билан мулоқот қилиш; бинодан чиқиш;

Бинодан чиққан шахслар қайта киритилмайди.

Ушбу талабларга риоя этмаган талабгорлар аудиториядан чиқариб борилади ва тест синовларидан ўтмаган ҳисобланади.

Тест синовлари пайтида бегона шахсларнинг ҳозир бўлишига рухсат берилмайди. Тест синовларининг ўтиш жараёни Биржа ходимлари томонидан назорат қилинади.

51. Тест синовлари натижаларини қониқарли деб топиш учун берилган саволларининг камида 35тасига тўғри жавоб берилган бўлиши керак. Талабгор тест синовларидан муваффақиятли ўтган тақдирда, у ҳақидаги маълумотлар регистраторларнинг реестрига киритилган ҳолда унга регистратор мақоми берилади.

52. Аукцион шартномалари рўйхати тизимига кириши учун регистраторга шахсий логин Ваколатли бўлим томонидан берилади.

53. Регистраторга регистратор сифатида фаолият юритиш ҳуқуқи уч йил муддатга берилади. Регистраторлик мақоми муддатини узайтириш регистраторни тест синовларидан ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

54. Регистратор савдо иштирокчиси бўлиши мумкин эмас.

55. Регистраторлик мақомидан маҳрум қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:
регистратор томонидан ихтиёрий равишда ариза берилганда;
регистратор томонидан қонун ҳужжатлари, ушбу Низом, Биржанинг ички (локал) ҳужжатлари талаблари бузилганда;
суд қарори.

56. Регистратор ўз мақомидан бу ҳақда Биржа бошқаруви қарор қабул қилинган кундан бошлаб маҳрум бўлади. Ушбу маълумот Биржанинг махсус информაციон порталида жойлаштирилади.

57. Ушбу Низомнинг 55-бандида назарда тутилган ножўя ҳатти-ҳаракат учун регистратор мақомидан маҳрум қилинган жисмоний шахслар регистраторлик мақомини қайта олиш учун икки йил мобайнида тест синовларига қўйилмайдилар.

VIII Савдо майдончалари ва регистраторларнинг реестрлари

58. Биржа савдо майдончалари ва регистраторларнинг ягона реестрини юритади.

59. Савдо майдончаларининг ягона реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили ва телефон рақамлари; савдо майдончаси рақами; қайта расмийлаштириш асоси ва санаси;

фаолиятни тугатилишининг асоси ва санаси;

ушбу Низомнинг 61-бандига асосан савдо майдончаси регистратори тўғрисидаги маълумотлар.

60. Савдо майдончалари тўғрисидаги маълумотлар савдо майдончалари реестрига киритилгандан сўнг, Ваколатли бўлим томонидан савдо майдончаларининг

компьютер(лари)ини ҳисобга қўйиш учун бир кунлик муддат ичида Биржанинг ЭСТга хизмат кўрсатувчи Биржанинг таркибий тузилмасига тегишли маълумотлар берилади.

61. Регистраторларнинг Ягона реестрига қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, прописка бўйича почта (яшаш) манзили, телефон рақами;

регистратор мақоми берилган сана, қайта расмийлаштирилган сана ва асоси; регистратор мақоми тугатилган санаси ва асоси;

62. Савдо майдончалари ва регистраторларнинг реестрларидаги мавжуд маълумотлар ваколатли бўлим томонидан Биржанинг веб-сайтига жойлаштирилади ва барчанинг танишиши учун очик ҳисобланади.

IX Савдо майдончалари фаолиятининг мониторинги

63. Савдо майдончалари томонидан қонун ҳужжатлари, мазкур Низом, Биржанинг ички ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан мониторинг Биржа филиаллари ва Ваколатли бўлим томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади. Зарур ҳолларда Биржа Бошқаруви томонидан савдо майдончаларини ҳисобга олиш ва мониторингни амалга ошириш шакллари ўрнатилиши мумкин.

64. Савдо майдончалари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ҳисобот чорагини биринчи ойининг 5-санасига қадар Биржанинг ҳудудий филилларига ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар бўйича қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олган маълумот топширишлари шарт:

савдо майдончасининг моддий техник жиҳатдан талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи имзо ва муҳр қўйилган ҳужжат (ушбу Низомнинг 2-сонли иловасига мувофиқ); техника ҳисоботи Регламентига мувофиқлигини тасдиқловчи имзо ва муҳр қўйилган ҳужжат;

савдо майдончасида рўйхатга олинган битимлар бўйича ҳажм кўрсаткичларининг кўпайганлиги ёки пасайганлиги сабабларининг таҳлили; кўшимча ҳажмларни (объем) жалб қилиш бўйича кўрилган чоралар (янги миқдорларни жалб қилиш ва савдо позицияларини кўпайтириш бўйича маълумотлар).

65. Ҳисобот юридик шахс раҳбари ва регистратор томонидан имзоланади ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланади. Маълумотларни белгиланган муддатда тақдим қилмаслик савдо майдончаси ва регистраторнинг фаолиятини тугатиш учун асос бўлади.

66. Биржанинг ҳудудий филиаллари барча савдо майдончалари бўйича тақдим қилинган маълумотларни умумлаштиради ва уни ҳисобот чораги кейинги ойининг ўнинчи санасига қадар Ваколатли бўлимга электрон шаклда юборади. Ваколатли бўлим Биржанинг барча филиаллари бўйича материалларни умумлаштириб, аналитик ҳисоботни кўриб чиқиш учун ҳисобот чораги кейинги ойининг ўн бешинчи санасига қадар Биржа Бошқарувига тақдим этади.